

2021 йилнинг январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 949,4 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 102,9 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 851,8 млрд. сўмни (103,2 %), ўрмон хўжалиги 80,2 млрд. сўмни (101,1 %), балиқчилик хўжалиги 17,5 млрд. сўмни (98,8 %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг улуши 3,2 % ни ташкил қилди.



949,4
млрд. сўм



851,8

Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва
ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар


80,2

Ўрмон хўжалиги


17,5

Балиқчилик хўжалиги

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот
(хизмат)лар ҳажмининг ўсиш суръати



Шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми, млрд. сўм



2021 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Амударё (162,2 млрд. сўм) ва Беруний (119,5 млрд. сўм) туманларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Мўйноқ (12,4 млрд. сўм) тумани ва Нукус шаҳар (8,8 млрд. сўм)ларни келтириб ўтиш мумкин.




Дехқончилик


2021 йилнинг январь–март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 51,9 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 6,1 % ни ташкил қилди.

Сабзавотлар


Ҳажми, тонна



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг
хўжалик тоифалари бўйича
тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 617 тонна сабзавотлар (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 60,0 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



Қорақалпоғистон
Республикаси бўйича
сабзавотлар
етиштириш ҳажми, тонна






Чорвачилик

2021 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 792,9 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 93,9 % ни ташкил этди.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.


2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 15,5 минг тонна гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,6 % га кўп), 50,9 минг тонна сут (2,1 % га кўп), 80,3 млн. дона тухум (3,3 % га кўп) ва 1094,2 тонна балиқ (0,1 % га кўп) овланди.



Гўшт (тирик вазнда)



**Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг
хўжалик тоифалари бўйича
тақсимланиши, % да**



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 15,5 минг тонна гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил этилганда, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 94,7 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш зарур.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича **гўшт (тирик вазнда)**
етиштириш ҳажми,
тонна




Сут


Ҳажми, минг тонна.



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган
маҳсулотларнинг хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши, % да



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 50,9 минг тонна сут (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,1 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 90,8 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича ишлаб чиқарилган
сут етиштириш ҳажми,
тонна




Тухум


Ҳажми, млн.дона



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган
маҳсулотларнинг хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши, % да




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 80,3 млн.дона тухум (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 3,3 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 92,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича олинган **тухум**
етиштириш ҳажми,
минг дона




Балиқ


Ҳажми, тонна



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган
маҳсулотларнинг хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




● Фермер хўжаликлари

● Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари


● Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1094,2 тонна (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 0,1 % га кўп) балиқ овланди. Овланган балиқлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, овланган балиқ умумий ҳажмидан 52,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини таъкидлаш лозим.



Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича овланган **балиқ**
ҳажми, тонна




Чорва моллари ва паррандалар бош сони




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,0 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 94,0 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 11,6 % и фермер хўжаликларига, 86,8 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, отлар умумий сонидан 22,9 % и фермер хўжаликларига, 74,5 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 2,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади шунингдек, паррандалар умумий сонидан 7,6 % и фермер хўжаликларига, 85,9 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Йирик шохли қорамоллар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонининг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- йирик шохли қорамолларнинг умумий сони 1123,0 минг бошга етди.
- йирик шохли қорамоллар бош сони 2020 йилнинг 1 апрелига нисбатан 21,0 минг бошга (1,9 %) кўпайди.
- йирик шохли қорамоллар бош сонининг 94,0 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича **йирик шохли**
қорамолларнинг бош сони,
бош




Сигирлар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонининг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- сигирларнинг умумий бош сони 323,4 минг бошга етди.
- сигирларнинг бош сони 2020 йилнинг 1 апрелига нисбатан 5,2 минг бошга (1,6 %) кўпайди.
- сигирлар бош сонининг 92,9 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича **сигирларнинг** бош сони,
бош




Қўй ва эчкилар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонининг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 1128,7 минг бошга етди.
- қўй ва эчкиларнинг бош сони 2020 йилнинг 1 апрелига нисбатан 21,4 минг бошга (1,9 %) кўпайди.
- қўй ва эчкилар бош сонининг 86,8 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича қўй ва эшқиларнинг
бош сони,
бош




Отлар


Сони, бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонининг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- отларнинг умумий сони 25 756 бошга етди.
- отлар бош сони 2020 йилнинг 1 апрелига нисбатан 1 254 бошга (5,1 %) кўпайди.
- отлар бош сонининг 74,5 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.




Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича **отларнинг** бош сони,
бош




Паррандалар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонининг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- паррандаларнинг умумий сони 4466,7 минг бошга етди.
- паррандалар бош сони 2020 йилнинг 1 апрелига нисбатан 45,3 минг бошга (1,0 %) кўпайди.
- паррандалар бош сонининг 85,9 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



Қорақалпоғистон Республикаси
бўйича **паррандаларнинг**
бош сони,
бош

